

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 12 » ИЮЛЬ 2019 у.

№ 577

Toshkent sh.

**Ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини  
янада такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 августдаги ПҚ–3907-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, умумий ўрта ва ўрта махсус давлат таълим муассасаларида ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб аталади) ўқувчиларини психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида таълим муассасаларида психологик хизмат фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар психологик хизматнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:  
таълим муассасаларида психологик хизмат фаолиятини самарали ва сифатли ташкил этиш, шу жумладан, иш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари самарадорлигини ошириш;

ўқувчиларнинг қобилияти, лаёқати, кизиқишлари ҳамда касб-хунарга мойилликлари асосида тўғри касб-хунар танлашларига кўмаклашиш;

турли ёш даврларида ўқувчиларнинг шахсий, ақлий ва ижтимоий ривожланишини психологик жиҳатдан кузатиб бориш, таълим-тарбиядаги психологик нуқсонларни аниқлаш, уларнинг ақлий тараккиётида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий оғишларнинг олдини олиш;

ўқувчилар таълим муассасасининг ижтимоий муҳитига мослаша олмаслиги ҳолатларини коррекциялаш, уларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

педагогик жамоаларда соғлом психологик муҳитни яратиш ва қўллаб-қувватлаш, жамоа аъзоларининг хиссий-эмоционал ҳолатлари, шахслараро муносабатлар ва зиддиятли хатти-ҳаракатларни коррекциялаш, уларнинг психологик маданиятини юксалтириш;

истеъдодли ва иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларнинг индивидуал-психологик, физиологик хусусиятлари ва қизиқишларини ўрганиш, қобилиятларини намоён этишлари ва ривожлантиришлари учун шарт-шароитлар яратиш;

ахборот-психологик хуружларнинг хавфи, Интернет жаҳон ахборот тармоғининг салбий таъсири, ёшлар тарбиясига хавф солаётган “оммавий маданият”нинг кириб келиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни ўтказиш;

педагог ходимлар, ўқувчилар ҳамда ота-оналарнинг психологик-педагогик билимларини оширишга кўмаклашиш, педагог ходимлар, ота-оналар ва жамоат ташкилотларининг самарали ҳамкорлигини таъминлаш.

### 3. Куйидагилар:

Умумий ўрта ва ўрта махсус давлат таълим муассасаларида психологик хизмат фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Умумий ўрта ва ўрта махсус давлат таълим муассасасидаги психологик хизматнинг психолог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ой муддатда:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда таълим муассасалари психолог кадрларининг лавозим мажбуриятлари ҳамда уларга кўйиладиган малака талабларини қайта кўриб чиқсин;

таълим муассасаларидаги психологик хизмат хоналарини жиҳозлаш меъёрларини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида “Таълим” соҳасига ажратилган маблағлар доирасида ажратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 12 ИЮЛ даги 577 - сон қарорига  
1-илова

**Умумий ўрта ва ўрта махсус давлат таълим муассасаларида  
психологик хизмат фаолиятини ташкил этиш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом умумий ўрта ва ўрта махсус давлат таълим муассасаларида (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб аталади) психологик хизмат фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Психологик хизматнинг фаолияти:

халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларида – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази (кейинги ўринларда Республика ташхис маркази деб аталади), Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (кейинги ўринларда ҳудудий халқ таълими бошқармалари деб аталади) ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари (кейинги ўринларда халқ таълими бўлимлари деб аталади) томонидан;

академик лицейларда – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда идоравий мансублигига кўра тегишли олий таълим муассасаси (кейинги ўринларда олий таълим муассасаси деб аталади) томонидан;

касб-хунар таълими муассасаларида – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари томонидан мувофиқлаштирилади.

3. Психологик хизмат ўз фаолиятини таълим муассасаларида педагог ва тиббиёт ходимлари, ўқувчиларнинг ота-оналари ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар (кейинги ўринларда ота-оналар деб аталади), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотажорат ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этади.

**2-боб. Психологик хизматнинг мақсад ва вазифалари**

4. Психологик хизматнинг мақсади ўқувчиларнинг маънавий ва ақлий ривожланиши, баркамол шахс сифатида шаклланиши, фаол ижтимоий мослашуви ва уларнинг ёш даврлари бўйича ривожланишида саломатлигини муҳофаза қилиш, узлуксиз таълим жараёнида ўзлигини англаши, индивидуал психологик хусусиятлари, шахсий имкониятлари ва қобилиятларини намоён этишлари учун психологик-педагогик шарт-шароитлар яратишдан иборат.

5. Қуйидагилар психологик хизматнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

таълим муассасаларида психологик хизмат фаолиятини ташкил этиш ишларини сифатли ташкил этиш, шу жумладан, иш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари самарадорлигини ошириш;

Ўқувчиларнинг қобилияти, лаёқати, қизиқишлари ҳамда касб-хунарга мойилликлари асосида касб-хунарни тўғри танлашларига кўмаклашиш;

турли ёш давларида ўқувчиларнинг шахсий, ақлий ва ижтимоий ривожланишини психологик жиҳатдан кузатиб бориш, таълим-тарбиядаги психологик нуқсонларни аниқлаш, уларнинг ақлий ривожланишида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий оғишларнинг олдини олиш;

Ўқувчилар таълим муассасасининг ижтимоий муҳитига мослаша олмаслиги ҳолатларини коррекциялаш, уларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

педагогик жамоаларда соғлом психологик муҳитни яратиш ва кўллаб-қувватлаш, жамоа аъзоларининг ҳиссий-эмоционал ҳолатлари, шахслараро муносабатлар ва зиддиятли хатти-ҳаракатларни коррекциялаш, уларнинг психологик маданиятини юксалтириш;

истеъдодли ва иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларнинг индивидуал-психологик, физиологик хусусиятлари ва қизиқишларини ўрганиш, қобилиятларини намоён этишлари ва ривожлантиришлари учун шарт-шароитлар яратиш;

ахборот-психологик хуружларнинг хавфи, Интернет жаҳон ахборот тармоғининг салбий таъсири, ёшлар тарбиясига хавф солаётган “оммавий маданият”нинг кириб келиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни ўтказиш;

педагог ходимлар, ўқувчилар ҳамда ота-оналарнинг психологик-педагогик билимларини оширишга кўмаклашиш, педагог ходимлар, ота-оналар ва жамоат ташкилотларининг самарали ҳамкорлигини таъминлаш.

### **3-боб. Психологик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари**

6. Қуйидагилар психологик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

психологик маърифат ва ташвиқот;

психологик-педагогик ташхис;

психологик профилактика;

психологик коррекция;

психологик маслаҳат;

касб-хунарга йўналтириш.

7. Психологик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагиларни назарда тутади:

*а) психологик маърифат ва ташвиқот йўналишида:*

педагогик жамоа, синф раҳбарлари ва ота-оналарнинг психологик саводхонлиги ва компетентлигини оширишда дастлабки психологик-педагогик билим ва тушунчалар, ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашув орқали оилавий муносабатлар, шахсий гигиена ва соғлом турмуш бўйича тавсиялар бериш;

ўқувчилар, педагог ходимлар, ота-оналар билан яққа ва жамоавий шаклдаги суҳбатлар, маслаҳатлар, семинар-тренинглари ташкил этиш, турли хил йигилишларда маърузалар билан чиқишлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали психологик билимларни бериб бориш;

*б) психологик-педагогик таълим йўналишида:*

Ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнидаги иштироки, уларнинг ҳар бир ҳолат, воқеа ва ҳодисага муносабатини психологик-педагогик таълимга оид янги методикалар асосида ўрганиш, таҳлил этиш ва зарур кўрсатмалар бериш;

Ўқувчиларнинг қизиқишлари, мойилликлари, истеъдоди ва иқтидоридagi асосий йўналишларни аниқлаш;

таълим муассасасига қабул қилинган ўқувчиларнинг психологик мослашуви ва ривожланиш динамикасини, ўқувчиларнинг ўқишга тайёргарлик ҳолатлари, ўзлаштириши ва ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

таълим муассасасининг кейинги босқичларига ўтган ўқувчиларнинг янги ижтимоий муҳитга мослашуви, ўқув фаолияти, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикаси, шахс сифатлари, шахслараро муносабатлар шаклланишини кузатиб бориш, таҳлил этиш, коррекцион машғулотларни ташкил этиш;

психологик-педагогик таълимлар, сўровномалар, суҳбатлар орқали ўқувчиларнинг касбий қобилиятлари, қизиқишлари ва фанни ўзлаштиришга бўлган мойилликларини аниқлаш, уларнинг онгли равишда касб-хунар танлашларига кўмаклашиш, таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш учун ўқувчилар ва ота-оналарга тавсиялар бериш ва йўналтириш;

ижтимоий-психологик муаммолари мавжуд ҳамда фанларни ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар билан психологик-педагогик таълимлар, сўровномалар, суҳбатлар ўтказиш орқали муаммо турини аниқлаш, гуруҳлаш ва улар билан коррекцион ишларни олиб бориш;

*в) психологик профилактика йўналишида:*

Ўқувчилардаги барча салбий ҳолатлар ва мойилликларнинг олдини олиш бўйича педагог ходимлар ва ота-оналар учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўқувчиларнинг тенгдошлари ва катталар билан ўзаро муносабатларида психологик шикаст етказувчи омилларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш;

Ўқувчилар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича олиб бориладиган профилактика ишларида иштирок этиш;

Ўқувчилар ҳулқ-атворидаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш, руҳий зарба, низо, салбий эмоционал кечинмалар ҳолатлари юзага келишининг олдини олиш;

саломатлиги жиҳатидан имконияти чекланган ўқувчиларни психологик қўллаб-қувватлаш;

махаллий давлат ҳокимияти органлари, соғлиқни сақлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ота-оналар билан учрашувлар, суҳбатлар, семинар-тренинглар, мунозаралар ва очиқ мулоқотлар ташкил этиш, тақдимотлар ва видеофильмлар намойишларини ўтказиш;

*г) психологик коррекция йўналишида:*

таълим олиш ва касб-хунар танлашда қийналаётган ўқувчилар, шахснинг мотивацион доираси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш борасида индивидуал ва жамоавий коррекция ишларини олиб бориш;

етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг психологик реабилитациясини таъминлаш;

мутахассис сифатида ўқувчининг психологик ҳолатига оид маълумотларга

муносабат билдириш, тарбиясида салбий ҳолатлар мавжуд бўлган ўқувчилар билан коррекцион ишларни амалга ошириш;

таълим олиш жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ҳамда қизиқишларини ривожлантириш, уларнинг интеллектуал пассивлигини коррекциялаш;

индивидуал ёки жамоавий тартибда ота-оналар ва педагог ходимларни жалб этган ҳолда ўйин, мулоқот, суҳбат, тренинг, машқ ва машғулотлар шаклида тадбирлар ташкил этиш;

*д) психологик маслаҳат йўналишида:*

ўқувчиларнинг индивидуал ривожланишидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича барча таълим жараёни қатнашчиларига маслаҳатлар бериш;

ўқувчиларга таълим олиш, келажакни аниқлаш, тенгдошлари ва ёши катталар билан муносабатларидаги муаммоли ҳолатлар юзасидан маслаҳатлар бериш;

ўқувчиларнинг психик ривожланиш хусусиятлари, шахс сифатида шаклланиши, шахслараро муносабат мақоми, уларнинг ёш, жинс, индивидуал-типологик хусусиятлари муаммоси бўйича амалий маслаҳатлар ташкил этиш;

*е) касб-ҳунарга йўналтириши йўналишида:*

ўқувчиларга турли касблар, ихтисосликлар, мансаб лавозимлари, танланган касбни, ихтисосликни эгаллаш мумкин бўлган таълим муассасалари ҳамда касбнинг инсонга, унинг жисмоний, психологик ва шахсий сифатларига, саломатлигига қўядиган талаблари ҳақида маълумотлар бериш;

ўқувчиларнинг билиш (ўқув предметларига, фанга) ва касбий (касбларга, мутахассисликларга) қизиқишларини, касб танлаш мотивлари ва касбий режаларини аниқлаш ҳамда баҳолаш;

ўқувчиларга уларнинг индивидуал хусусиятлари ва меҳнат бозори талабларини, таълим олиш ҳамда келгусида ишга жойлашиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда касб ва таълим муассасасини танлашга кўмаклашиш;

ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини, касбларга қизиқиш, меҳнатсеварлик, ишчанлик ва масъулиятни шакллантириш ҳамда ривожлантириш.

#### **4-боб. Психологик хизмат фаолиятини ташкил этиш**

8. Таълим муассасасида психологик хизмат муассаса раҳбарининг буйруғига мувофиқ ўқувчилар сонидан келиб чиқиб 1-3 та штат бирлигидан иборат таркибда ташкил этилади.

Психологик хизматнинг психолог кадрлари (кейинги ўринларда психолог кадрлар деб аталади) сони бир нафардан ортиқ бўлганда улардан бирига психологик хизмат раҳбарлиги юкланади.

9. Психолог кадрлар лавозимига қўйиладиган малака талаблари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

10. Таълим муассасаларида психологик хизмат фаолиятининг назорати бевосита таълим муассасаси раҳбари томонидан амалга оширилади. Психолог кадрлар ўз фаолияти доирасида бевосита таълим муассасаси раҳбарига бўйсунди.

Психолог кадрлар таълим муассасасининг педагог ходимлари билан биргаликда ўқувчиларнинг психологик ҳолати, муассасанинг психологик муҳити, коррекцион-ривожлантирувчи ва профилактик тадбирларнинг амалга оширилиши, касб-хунарга йўналтириш ва ташхис қўйиш фаолияти учун масъул ҳисобланади.

11. Психолог кадрлар ўз фаолиятини таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларига ҳамда ўқув дастури ва ўқув режасида белгиланган дарс машғулотилари ўтказилишини инобатга олган ҳолда амалга оширади.

12. Таълим муассасаларида психолог кадрлар учун ҳафтасига 36 соатли иш тартиби жорий этилади.

13. Таълим муассасаси раҳбарияти томонидан психолог кадрларнинг фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилади.

14. Психолог кадрлар малакасини ошириш мувофиқлиги бўйича тегишли муассасаларда ҳар уч йилда камида бир марта амалга оширилади.

15. Психолог кадрларнинг вазифалари ва функциялари таълим муассасаси уставида белгиланади.

16. Таълим муассасаларида психологик хизматнинг фаолияти тегишлилиги бўйича Республика ташхис маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий иш режа асосида ташкил этилади.

17. Психолог кадрларнинг иш режаси таълим муассасасининг педагогик кенгаши қарори асосида намунавий иш режага мувофиқ тасдиқланади.

18. Психологик хизматнинг ташкилий, илмий-методик ва дастурий таъминоти тегишли равишда Республика ташхис маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалга оширилади.

### **5-боб. Психолог кадрларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

19. Психолог кадрлар куйидаги ҳуқуқларга эга:

таълим муассасасини бошқаришда қатнашиш;

таълим муассасаси педагог ходимлари учун белгиланган барча кафолатлар ва имтиёزلардан фойдаланиш, жамоат бирлашмаларига сайлаш ва сайланиш;

ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, шунингдек, таълим муассасаси педагоглари билан олиб бориладиган ишларнинг муайян йўналишларини мустақил шакллантириш;

таълим муассасаси раҳбариятидан ўзининг фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилишини талаб қилиш;

таълим муассасаси раҳбарияти билан келишган ҳолда синфдаги ва синфдан ташқаридаги машғулотларда ҳамда бошқа тадбирларда ўқувчиларнинг хулқ-атвори ҳамда индивидуал хусусиятларини, уларнинг ўқишга ва педагог ходимларга бўлган муносабатларини ўрганиш мақсадида иштирок этиш;

дарс машғулоти, маънавий-тарбиявий тадбирлар ва спорт мусобақаларини кузатиш, таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг шахсий ҳужжатлари билан танишиш, зарур таклиф ва маслаҳатлар бериш;

таълим муассасасининг педагогик ва методик кенгашларида иштирок этиш, ўз йўналиши бўйича таклифлар бериш;

илғор хорижий тажрибани инобатга олиб психологик-педагогик ташхисга оид янги методик дастурларни ишлаб чиқиш, тажриба-синовдан ўтказишда қатнашиш, уларни амалиётга жорий этишда иштирок этиш;

таълим муассасаси раҳбариятининг қонун ҳужжатларига зид равишда берилган топшириқ ва кўрсатмаларини бажармаслик;

ўқувчиларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир турли ишчи гуруҳлар ва комиссиялар ишида ўз ихтиёрига кўра қатнашиш, фикрлар билдириш, уларда қабул қилинган қарорлар устидан юқори турувчи ташкилотларга мурожаат қилиш;

давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан илтимосномалар бериш.

Психолог кадрлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 20. Психолог кадрлар:

таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш ва ўқувчиларни психологик таъсирлардан ҳимоя қилишга;

ўзининг касбий кўникмалари ва маҳоратини доимий равишда такомиллаштириш ҳамда белгиланган муддатларда ўз малакасини ошириб боришга;

психологик-педагогик ташхис натижаларини тўғри расмийлаштириш, ташхис натижалари бўйича асосланган тавсиялар беришга;

фаолиятини иш режаси асосида ташкил этишга, амалга оширишга, иш режасининг ижроси бўйича ҳисоботлар тайёрлашга;

психологик маърифат, ташхис, психологик профилактика, коррекцион-ривожлантирувчи, маслаҳат тадбирларини сифатли ташкил этиш ва муддатларига риоя қилишга;

таълим жараёни иштирокчиларининг шахсий маълумотлари ҳамда ташхис натижаларига оид маълумотларини ошкор этмасликка мажбур.

Психолог кадрлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Психолог кадрларга иш ҳақи миқдорлари (лавозим маошлари) қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Таълим муассасаси раҳбари психолог кадрларни рағбатлантириш мақсадида устамалар, қўшимча ҳақ белгилаши мумкин.

22. Психологик хизматнинг самарали ташкил этилиши ва фаолият юритиши бўйича жавобгарлик таълим муассасаси раҳбарига юкланади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 12 июлдаги 577 - сон қарорига  
2-илова

## **Умумий ўрта ва ўрта махсус давлат таълим муассасасидаги психологик хизматнинг психолог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом умумий ўрта ва ўрта махсус давлат таълим муассасасидаги психологик хизматнинг психолог кадрларини (кейинги ўринларда психолог кадрлар деб аталади) аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Психолог кадрларни аттестациядан ўтказишда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган психолог кадрларга қўйиладиган малака талабларига (кейинги ўринларда малака талаблари деб аталади) мувофиқлиги ўрганилади.

3. Қуйидагилар психолог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг асосий вазибалари ҳисобланади:

мутахассислиги бўйича малакаси ва психологик йўналишлар бўйича ўтказилган психологик ташхис методикаларининг натижавийлигига эга бўлган, тренинг ўтиш маҳорати, меҳнати самарадорлиги ҳамда ижтимоий-сиёсий билимларини оширган психолог кадрларни рағбатлантириш;

малака талабларига мувофиқ уларнинг касбий маҳорати даражасини аниқлаш ва малака тоифаларини бериш (ўзгартириш);

касбий маҳорати даражасининг малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

компьютер саводхонлиги ва ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлишнинг мажбурийлигини таъминлаш.

4. Мажбурийлик, даврийлик, ошкоралик ҳамда ҳолислик аттестациянинг асосий принциплари ҳисобланади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари (кейинги ўринларда Худудий халқ таълими бошқаруви органлари деб аталади), тегишли олий таълим муассасалари ҳамда Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари психолог кадрларни аттестациядан ўтказиш жараёнини ташкил этишга масъул ҳисобланади.

6. Аттестация умумий ўрта таълим муассасалари психолог кадрлари учун ҳар беш йилда, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (академик лицейлар ва касб-ҳунар таълими муассасалари) психолог кадрлари учун ҳар уч йилда бир марта ўтказилади.

7. Малака ошириш курсини тугатганлик тўғрисидаги сертификатга эга бўлган олий маълумотли психолог кадрлар белгиланган муддатда аттестациядан ўтказилиши шарт.

8. Аттестация ўтказиш муддатлари аттестациядан ўтувчиларга унинг бошланишидан камида бир ой олдин Худудий халқ таълими бошқаруви органлари, тегишли олий таълим муассасалари ҳамда Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари орқали хабар қилинади.

9. Ишга янги қабул қилинган психолог кадрлар ишга қабул қилинганидан бошлаб бир йилдан сўнг, олий таълим муассасаларини битириб биринчи бор ишга кирганлар касбий фаолиятига уч йил тўлгандан сўнг аттестациядан ўтказилади.

10. Таълим муассасалари психолог кадрларининг ташаббуси билан улар ўз аризаси ва таълим муассасаси раҳбарининг тавсиясига асосан навбатдан ташқари биринчи ёки олий малака тоифасини олиш учун аттестациядан ўтказилиши мумкин.

Психолог кадрларни навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш охириги аттестация ўтказилганидан бошлаб камида икки йилдан кейин амалга оширилади.

11. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштирилган ҳолда аттестация ўтказиш даври мобайнида даволанаётган, ҳомиладорлик, туғиш ҳамда бола парваришlash таътилидаги психолог кадрлар иш фаолиятига қайтганига бир йил тўлгандан сўнг аттестацияга жалб этилади.

12. Психолог кадрларнинг малака тоифалари бир таълим муассасаларидан бошқасига ишга ўтганда сақланади.

13. Психолог кадрлар олий маълумоти, қайта тайёрлаш курсларидан ўтганлиги ҳақидаги дипломда (кейинги ўринларда диплом деб аталади) кўрсатилган таълим йўналишлари, мутахассислик ёки ихтисосликларга мос келадиган мутахассислиги бўйича аттестациядан ўтади.

14. Таълим муассасалари психолог кадрларини аттестациядан ўтказиш, мувофиқлаштириш ва аттестация комиссиялари иш натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш:

халқ таълими тизимидаги муассасалар учун – Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази (кейинги ўринларда Республика ташхис маркази деб аталади);

академик лицейлар ҳамда касб-хунар таълими муассасалари учун – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

## **2-боб. Психолог кадрларни аттестациядан ўтказиш тартиби**

15. Аттестация ҳар йили март-июнь ойларида ўтказилади.

16. Психолог кадрларнинг аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

17. Психолог кадрларни аттестациядан ўтказиш қуйидаги тартибда ташкил қилинади:

охириги икки йил давомидаги илмий ва методик, амалий психологик хизмат фаолиятининг натижавийлиги, тадбирларда фаол иштирок этишни ўрганиш;

психология соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва касбий билим кўникмалари юзасидан малака синовларини ўтказиш;

хорижий тиллар, ахборот-коммуникация технологиялари ва ижтимоий-сиёсий билимларни эгаллаганлиги бўйича суҳбат.

Суҳбат жараёнида берилган савол ва жавоблар махсус (саҳифаланган, тикилган, муҳрланган) журналга қайд этилади.

18. Аттестациядан ўтувчи психолог кадрлар ўтказилиши белгиланган аттестациядан бир ой олдин таълимнинг тегишли бошқарув органига ва таълим муассасаси раҳбарига қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

маълумотнома-таржимаи ҳол;

меҳнат дафтарчаси, маълумоти, малака тоифаси, илмий даражаси ва илмий унвони тўғрисидаги (агар бўлса), малака оширганлиги ва қайта тайёрлаш курсларидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

нашр этилган илмий ишлари, мақолалари, психологик йўналишлар бўйича ўтказилган психологик ташхис методикаларининг натижавийлиги, маслаҳат тадбирларида фаол иштирок этганлигини тасдиқловчи маълумотлар ва ҳисобот (*таълим муассасаси муҳри босилган*);

психологик хизматни ривожлантириш бўйича истиқболдаги режалари тўғрисидаги қисқача маълумот.

Нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар учун аттестациядан ўтувчи жавобгар ҳисобланади.

### **3-боб. Аттестацияни ташкил этиш ва аттестация комиссияларини тузиш тартиби**

19. Психолог кадрлар асосий иш жойи бўйича аттестацияга жалб этилади. Таълим муассасаларида ўриндошлик асосида ишлаётган ва асосий иш жойи бўйича психологик фаолият билан шуғулланмайдиган психолог кадрлар (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги бошқарув идораларидаги психолог кадрлар бундан мустасно) ўриндошлик асосида фаолият юритаётган таълим муассасасида аттестациядан ўтади.

20. Таълим муассасалари раҳбарлари аттестациядан ўтувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида ҳужжатлар йиғмажилдини тайёрлайди.

Ҳужжатлар йиғмажилдида аттестациядан ўтувчининг паспорти, дипломи, аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги ва амалда фойдаланаётган сертификати (агар мавжуд бўлса), малака оширганлиги ҳақидаги сертификати нусхалари, сўнги бир йил давомидаги психологик йўналишлар бўйича ўтказилган психологик ташхис методикаларининг натижавийлиги, тренинг машғулотлари, ўқитувчилар дарсларининг психологик таҳлиллари, ўз фаолияти юзасидан амалга оширган ишлари, эришган ютуқлари (агар мавжуд бўлса) ҳақидаги маълумотлар тўпланadi.

21. Аттестация Республика ташхис маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти аттестация комиссиялари (кейинги ўринларда аттестация

комиссиялари деб аталади) томонидан психолог кадрларнинг малака талабларига мувофиқ амалга оширилади.

22. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларининг олий, биринчи ва иккинчи малака тоифасига талабгор психолог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун Республика ташхис марказида аттестация комиссияси тузилади ва комиссия таркиби Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

23. Олий таълим муассасалари қошидаги академик лицейларнинг психолог кадрларини аттестациядан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги аттестация комиссияси тузилади ҳамда комиссия таркиби Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълими вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

24. Касб-хунар таълими муассасаларидаги психолог кадрларни аттестациядан ўтказиш учун Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти аттестация комиссияси тузилади ва комиссия таркиби Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълими вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

25. Қуйидагилар аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

олий, биринчи ва иккинчи малака тоифасига талабгор психолог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

олий, биринчи ва иккинчи малака тоифали психолог кадрларга сертификатлар олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Давлат белгиси” давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасига буюртма бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда психолог кадрларни ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шаклдаги сертификатлар билан таъминлаш;

аттестация комиссиясининг олий, биринчи ва иккинчи малака тоифасига талабгор психолог кадрларнинг аттестацияси яқунлари бўйича ҳисоботларини тайёрлаш ва раҳбариятга тақдим этиш.

26. Аттестациядан ўтувчи психолог кадрлар аттестация комиссиялари таркибига киритилмайди.

27. Комиссиялар раислари ва аъзолари аттестация жараёнининг ушбу Низом талаблари ва тасдиқланган жадвалга мувофиқ ўтказилиши учун масъул ҳисобланадилар.

28. Аттестацияни ўтказиш аттестация комиссияси томонидан амалга оширилади. Аттестация комиссияси қошида 5 кишидан иборат эксперт гуруҳи тузилади. Эксперт гуруҳининг асосий вазифалари тақдим этилган маълумотлар асосида аттестациядан ўтувчи психолог кадрларнинг касбий фаолиятини баҳолашдан иборат.

Эксперт гуруҳи аъзолари аттестациядан ўтувчиларга қўйилган баҳолар учун жавобгардирлар.

Эксперт гуруҳининг таркиби:

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари психолог кадрлари учун – ҳудудий халқ таълими бошқармалари;

академик лицейлар психолог кадрлари учун – тегишли олий таълим муассасаси;

касб-хунар таълими муассасалари психолог кадрлари учун – Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаларининг раҳбарлари буйруғи билан тасдиқланади.

#### **4-боб. Аттестациядан ўтказиш, сертификатлар бериш ҳамда таълим олганлик тўғрисидаги маълумотларга қўйилган талабларни белгилаш тартиби**

29. Аттестация қуйидаги икки босқичда ўтказилади:

1-босқич – аттестациядан ўтувчининг тренинг машғулоти ўтиш маҳорати, меҳнати самарадорлиги ва мутахассислиги бўйича малака синови натижалари эксперт гуруҳи томонидан ўрганилади ҳамда тегишли тавсиялар тайёрланади;

2-босқич – аттестация комиссиялари томонидан психолог кадрларнинг хорижий тиллар, компьютер саводхонлиги ва ахборот-коммуникация технологияларини билиши ҳамда ижтимоий-сиёсий билимларини аниқлаш юзасидан суҳбат ўтказилади. Суҳбат жараёни видеотасвирга олинади ҳамда берилган саволлар ва жавоблар махсус (саҳифаланган, тикилган ва муҳрланган) дафтарда қайд этилади.

30. Аттестация қуйидаги баҳолаш мезонлари бўйича ўтказилади:

тренинг-машғулот ишлари – ўқитувчи дарсларининг психологик таҳлиллари, очик тренинг машғулотлари ўтганлиги, таълим олувчиларнинг хулқидаги ўзгариш кўрсаткичлари, тренинг ўтиш воситалари ҳамда шакллари мақбул равишда танлаши, тавсия этилган илғор психологик методика ва технологияларни қўллаши;

меҳнати самарадорлиги – аттестациядан ўтувчининг таълим муассасасида психологик йўналишлар бўйича ўтказилган психологик ташхис методикаларининг натижавийлиги, ўқувчиларнинг туман (шаҳар), вилоят, республика ва халқаро кўрик-танловлар, турли мусобақаларда иштирок этишида уларни психологик тайёрлашда қўшган ҳиссаси ҳамда эришган ютуқлари;

мутахассислиги бўйича малака синовлари – дипломида кўрсатилган таълим йўналиши, мутахассислиги ёки ихтисослиги бўйича ўтказиладиган тест синови натижалари;

хорижий тиллар, компьютер саводхонлиги ва ахборот-коммуникация технологияларини билиши ҳамда ижтимоий-сиёсий билимларини аниқлаш юзасидан ўтказилган суҳбат яқунлари.

Психолог кадрларнинг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари Низомга 2-иловага мувофиқ бўйича амалга оширилади.

31. Олий ва биринчи малака тоифаларига талабгор психолог кадрларни аттестациядан ўтказганлик учун энг кам ойлик иш ҳақи (2019 йил 1 сентябрдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдори)нинг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Аттестациядан ўтказганлик учун ундириладиган йиғим тегишлилиги бўйича Республика ташхис маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг махсус ҳисобрақамига ўтказилади.

Ариза берувчи берилган аризадан воз кечган тақдирда ҳамда психолог кадрга нисбатан “Аттестациядан ўтмади, тегишли малака тоифасига мувофиқ эмас” қарори қабул қилинганда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Психолог кадрлар аттестациянинг бирор босқичида узрли сабабга (меҳнатга лаёқатсизлик варақаси, таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органи ёки таълим муассасалари раҳбарлари маълумотномаси) кўра қатнашмаган бўлса, уларнинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилган тақдирда йиғим суммаси такроран ундирилмайди.

32. Олий, биринчи ва иккинчи малака тоифали ҳамда мазкур малака тоифаларига талабгор психолог кадрлар учун тест материаллари мазмунини шакллантириш, нашр этиш ва мазкур жараёни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

33. Аттестация комиссияси психолог кадрларнинг тренинг машғулотини ўтиш маҳорати, меҳнати самарадорлиги ҳамда мутахассислиги бўйича малака синови натижаларини таҳлил қилади, хорижий тиллар, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларини билиши ҳамда ижтимоий-сиёсий билимларини аниқлаш юзасидан суҳбат ўтказиши ва тегишли қарор қабул қилади.

34. Аттестация комиссияси аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этган йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

35. Аттестация комиссияси куйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

а) олий малака тоифали психолог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

75 фоиз ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса – “Аттестациядан ўтди, олий малака тоифаси сақлансин”;

74 фоиз ва ундан паст кўрсаткичга эга бўлса – “Аттестациядан ўтмади, биринчи малака тоифасига туширилсин”;

б) биринчи малака тоифали психолог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

75 фоиз ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса – “Аттестациядан ўтди, олий малака тоифаси берилсин”;

74 фоиздан 65 фоизгача кўрсаткичга эга бўлса – “Аттестациядан ўтди, биринчи малака тоифаси сақлансин”;

64 фоиз ва ундан кам кўрсаткичга эга бўлса – “Аттестациядан ўтмади, иккинчи малака тоифасига туширилсин”;

в) иккинчи малака тоифали психолог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

65 фоиз ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса – “Аттестациядан ўтди, биринчи малака тоифаси берилсин”;

64 фоиздан 60 фоизгача кўрсаткичга эга бўлса – “Аттестациядан ўтди, иккинчи малака тоифаси сақлансин”;

59 фоиз ва ундан кам кўрсаткичга эга бўлса – “Аттестациядан ўтмади, мутахассис малака тоифасига туширилсин”;

г) мутахассис-психолог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

60 фоиз ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса – “Аттестациядан ўтди, иккинчи малака тоифаси берилсин”;

59. 59 фоиздан 55 фоизгача кўрсаткичга эга бўлса – “Аттестациядан ўтди, мутахассис лавозими сақлансин”;

54. 54 фоиз ва ундан кам кўрсаткичга эга бўлса – “Аттестациядан ўтмади, мутахассис лавозимига мувофиқ эмас”.

36. Аттестация комиссиялари психолог кадрлар бўйича “Аттестациядан ўтмади, мутахассис лавозимига мувофиқ эмас” қарорини қабул қилса, улар навбатдан ташқари малака ошириш курсларига юборилади ҳамда кейинги йилда қайта аттестацияга жалб этилади.

Аттестация комиссияси қайта аттестацияга жалб этилган психолог кадр бўйича “Аттестациядан ўтмади, мутахассис лавозимига мувофиқ эмас” қарорини қабул қилса, иш берувчи томонидан улар билан тузилган меҳнат шартномаси меҳнат ҳақидаги қонунларда белгиланган тартибда бекор қилинади.

37. Баҳолаш мезонлари бўйича ўртача кўрсаткич чиқарилмайди ҳамда баҳолаш мезонларининг бирортаси бўйича белгиланган кўрсаткичдан паст баҳоланса “аттестациядан ўтмади” деган қарор қабул қилинади.

38. Психолог кадрлар аттестациянинг бирор босқичида узрли сабабга (меҳнатга лаёқатсизлик варақаси, таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органи ёки таълим муассасалари раҳбарлари маълумотномаси) кўра келмаган бўлса, аттестация комиссиясининг қарори билан уларнинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилади.

39. Психолог кадр узрсиз сабабга кўра аттестациянинг бирор босқичида иштирок этмаган бўлса аттестациядан ўтмаган ҳисобланади ҳамда унга нисбатан “Аттестациядан ўтмади, тегишли малака тоифаси туширилсин” ёки “Аттестациядан ўтмади, мутахассис лавозимига мувофиқ эмас” қарори қабул қилинади.

40. Аттестация комиссияси қарори ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ҳамда комиссия раиси, раис ўринбосари ва котиб томонидан имзоланади.

41. Аттестация комиссияси қарори асосида ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклдаги аттестация варақаси расмийлаштирилади ҳамда аттестация комиссияси раиси, раис ўринбосари, йиғилишда иштирок этган аъзолар ва котиб томонидан имзоланади.

Аттестация варақаси икки нусхада тўлдирилади ва бир нусхаси психолог кадрнинг иш жойидаги шахсий ҳужжатлари йиғмажилдида, иккинчи нусхаси аттестация комиссиясида сақланади.

42. Психолог кадрнинг аттестациясига оид ҳужжатлари тўпланган йиғмажилди навбатдаги аттестациягача таълим муассасасида сақланади.

43. Аттестация комиссияси қарорига кўра олий, биринчи ва иккинчи малака тоифасига эга бўлган психолог кадрларга ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шаклдаги психолог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисида сертификат аттестация ўтказилганидан сўнг бир ой муддат ичида топширилади.

Сертификатларнинг хатосиз тўлдирилиши учун аттестация комиссияси раислари масъул ҳисобланади.

44. Сертификат қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, унда ҳисоб серияси, рақами ва ҳимоя даражаси бўлади. Сертификат бланкалари Республика ташхис маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ҳамда Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти буюртмаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Давлат белгиси” давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланади.

45. Республика ташхис маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти раҳбарлари сертификатларнинг ҳисобга олиниши, сақланиши ҳамда мақсадли ишлатилиши юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланади.

46. Аттестация комиссиялари сертификатларнинг психолог кадрларга тарқатилишини рўйхатга олиш учун махсус дафтар (саҳифаланган, тикилган ва муҳрланган) юритади ва унда қуйидагиларни қайд этади:

- тартиб рақами;
- психолог кадрларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- сертификатнинг серияси ва тартиб рақами;
- сертификат берилишига асос бўлган комиссия қарорининг санаси ва тартиб рақами;
- сертификатни берган комиссиянинг номи;
- сертификатнинг амал қилиш муддати;
- сертификат нусхаси (дубликати)нинг берилиши асоси ва санаси.

47. Психолог кадрларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари миқдори уларнинг малака тоифаси сертификати асосида белгиланади.

48. Сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган психолог кадрларга мутахассис лавозими бўйича ҳақ тўланади.

Ҳомиладорлик, туғиш ҳамда болани парвариш қилиш таътилида бўлган психолог кадрларга иш фаолиятига қайтганида таътилга чиқиш санасига қадар амалда бўлган малака тоифаси бўйича бир йил давомида ҳақ тўланади.

49. Сертификатнинг амал қилиш муддати тугаб, мутахассис лавозими бўйича ҳақ тўланаётган психолог кадрлар навбатдаги аттестацияга охириги сертификатда кўрсатилган малака тоифаси бўйича жалб қилинади.

50. Аттестациядан ўтганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлмаган ишга янги қабул қилинган ёхуд олий таълим муассасаларини битириб, биринчи бор ишга кирган психолог кадрларга қуйидаги тартибда малака тоифаси:

- бакалавр даражасига – мутахассис лавозими;
- магистр даражасига эга, шунингдек, олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотли психолог кадрларга – иккинчи малака тоифаси (ушбу малака тоифаси аттестация натижасига кўра ўзгариши мумкин);

фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) ёки психология фанлари доктори (Doctor of Science Psihology (DSc) илмий даражасига эга бўлган психолог кадрларга – олий малака тоифаси (ушбу малака тоифаси аттестация натижасига кўра ўзгариши мумкин) берилади.



### **5-боб. Аттестация натижалари юзасидан мурожаат қилиш тартиби**

51. Аттестация комиссиялари қароридан норози бўлган психолог кадрлар аттестация натижалари эълон қилинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида апелляция комиссиясига ёзма равишда ариза (шикоят) беришлари мумкин.

52. Апелляция комиссияси аттестация бошлангандан кейин уч кун ичида психолог кадрларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун тегишлилигига кўра Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи билан беш кишидан иборат таркибда Республика ташхис маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ташкил этилади.

53. Апелляция комиссиясининг иш тартиби апелляция комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги буйруқда белгиланади.

54. Апелляция комиссияси таркибига аттестация комиссиялари таркибидан аъзо киритилмайди.

55. Апелляция комиссияси муаммоли ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида жамоатчилик асосида малакали мутахассисларни жалб этиши мумкин.

56. Апелляция комиссияси йиғилишида комиссия аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этса, унинг қабул қилган қарори қонуний кучга эга бўлади.

57. Ариза (шикоят) рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кун муддатда кўриб чиқилади.

58. Мурожаат этувчи психолог кадр апелляция комиссияси томонидан аризаси (шикояти) кўриб чиқилиши жараёнида иштирок этиши мумкин.

59. Апелляция комиссияси аттестация комиссияси қарорини ўзгартиришсиз қолдириш ёки уни бекор қилиб, қайта аттестация ташкил этиш ҳақида қарор чиқаради.

60. Апелляция комиссияси қарори нусхаси мурожаат этувчи психолог кадрга ва тегишли аттестация комиссиясига апелляция комиссияси қарори чиққан кундан эътиборан беш кун муддатда тақдим этилади.

### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

61. Аттестация комиссияси ёки апелляция комиссияси қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

62. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Умумий ўрта ва ўрта махсус давлат таълим  
муассасасидаги психологик хизматнинг психолог  
кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-илова

Психолог кадрларнинг аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш  
СХЕМАСИ

Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-боскич	Худудий халқ таълими бошқармалари, тегишли олий таълим муассасалари, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари	Кейинги йилда аттестациядан ўтиш муддати келадиган психолог кадрлар тўғрисидаги маълумотларни тегишлилиги бўйича Республика ташхис марказига, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ҳамда Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтига тақдим этади.	Ҳар йили 15 декабрга қадар
2-боскич	Республика ташхис маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти	Аттестациядан ўтиш муддати келган психолог кадрларни аттестациядан ўтказиш жадвалини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига киритади.	Ҳар йили 10 январга қадар
3-боскич	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Аттестациядан ўтказиш жадвалини тасдиқлайди.	Ҳар йили 20 январга қадар
4-боскич	Республика ташхис маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Аттестация комиссиялари таркибини тасдиқлайди.	Ҳар йили 25 январга қадар
5-боскич	Аттестация комиссиялари	Психолог кадрларнинг фаолиятини таҳлил қилади, хорижий тиллар, компьютер техникаси ва ахборот технологияларини билиш ҳамда ижтимоий-сиёсий билимларини аниқлаш юзасидан суҳбат ўтказади ва тегишли қарор қабул қилади.	Ҳар йили март-июнь ойларида
6-боскич	Аттестация комиссиялари	Аттестация комиссияларининг қарорига кўра олий, биринчи ва иккинчи малака тоифасига эга бўлган психолог кадрларга сертификат топширади.	Аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой мобайнида

Умумий ўрта ва ўрта махсус давлат  
таълим муассасасидаги психологик  
хизматнинг психолог кадрларини  
аттестациядан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Психолог кадрларнинг аттестация натижаларини  
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
1.	<b>Тренинг-машғулот ишлари</b>	<b>жами 100 балл</b>
	<b>Дарсларнинг психологик таҳлиллари учун (ўқув йили давомида):</b>	<b>30 балл</b>
	34 та ва ундан ортиқ дарсларнинг психологик таҳлили	30 балл
	21 тадан 33 тагача дарсларнинг психологик таҳлили	20 балл
	11 тадан 20 тагача дарсларнинг психологик таҳлили	10 балл
	<b>Тренинг машғулотларини ўтганлиги учун (ўқув йили давомида):</b>	<b>30 балл</b>
	тўрт ва ундан ортиқ тренинг машғулотлари ўтган бўлса	30 балл
	уч марта тренинг машғулотлари ўтган бўлса	20 балл
	икки марта тренинг машғулотлари ўтган бўлса	10 балл
	<b>Илғор ва интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда ихтиёрий тренинг машғулотини ўтиш:</b>	<b>40 балл</b>
Эксперт гуруҳи томонидан тренинг машғулотлари таҳлил этилади ҳамда илғор ва интерфаол усуллардан тўлиқ фойдаланиб, мақсадга эришилган машғулотга максимал (40) балгача баҳоланади. Ушбу шартлар тўлиқ бажарилмаганда максимал балл қўйилмайди.		
2.	<b>Меҳнат самарадорлиги</b>	<b>жами 100 балл</b>
	Семинарлар (2 та ва ундан ортиқ семинар машғулотлари ўтилганда)	10 балл
	Давра суҳбатлари (3 та ва ундан ортиқ давра суҳбатлари ўтилганда)	5 балл
	Ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан олиб борилган индивидуал ишлар	10 балл
	Психологик-педагогик ташхис, психокоррекция ва касб-ҳунарга йўналтиришга оид амалга оширилган ишлар	20 балл
	Конференциялардаги маърузалар билан иштироки, иш фаолиятига киритган янгиликлари	10 балл
	Муаллифлик иш қўлланмаларининг мавжудлиги	20 балл
	Малака ва маҳоратини оширганлиги	10 балл
	Психологик хизмат йўналишидаги ҳужжатларнинг мавжудлиги	15 балл
3.	<b>Мутахассислиги бўйича малака синовини</b>	<b>жами 100 балл</b>
	<b>40 та саволдан иборат тест саволларига жавоб берганлиги учун</b>	<b>100 балл</b>
	ҳар бир саволга берилган тўғри жавоб учун	2,5 балл
4.	<b>Хорижий тиллар, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларини билиш ҳамда ижтимоий-сиёсий билимларни аниқлаш юзасидан ўтказилган суҳбат якунлари</b>	<b>жами 100 балл</b>

<b>Хорижий тилларни билганлиги учун:</b>	<b>30 балл</b>
тинглаб тушунганини оғзаки баён эта олса, оғзаки эркин мулоқот қила олса	30 балл
тинглаб тушунса ва тинглаб тушунганини оғзаки баён эта олса	20 балл
соғда матнларни ўқий олса, ўзи ҳақида маълумот бера олса	15 балл
<b>Ахборот-коммуникация технологияларини билганлиги учун:</b>	<b>30 балл</b>
Интернет ресурслари, мультимедиа воситалари ва маҳсулотларидан мақсадли фойдалана олса ва офис дастурлари ёрдамида ўқув-методик, кўргазмали материалларни тайёрлай олса	30 балл
офис дастурлари (матн муҳаррири, электрон жадвал, тақдимот) ёрдамида ўқув-методик, кўргазмали материалларни тайёрлай олса	20 балл
компьютер тузилиши ва имкониятларини билса, офис дастурларидан (матн муҳаррири, электрон жадвал, тақдимот) фойдалана олса	15 балл
<b>Ижтимоий-сиёсий билимларни эгаллаганлиги учун:</b>	<b>40 балл</b>
жаҳонда ва республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлган муҳим воқеликлардан, сўнгги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлса ҳамда уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини эркин тарзда таҳлил қила олса	40 балл
республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлган муҳим воқеликлардан, сўнгги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлса ҳамда уларга нисбатан ўз муносабатини билдира олса	30 балл
республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлган муҳим воқеликлардан ва сўнгги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлса	20 балл

Умумий ўрта ва ўрта махсус давлат таълим  
муассасасидаги психологик хизматнинг  
психолог кадрларини аттестациядан ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

\_\_\_\_\_ комиссиясининг 20 \_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ куни бўлиб ўтган йиғилиши  
(комиссия номи ёзилади)

\_\_\_\_\_ - сон қарори

Раислик қилувчи: \_\_\_\_\_ комиссия раиси  
Иштирок этганлар: \_\_\_\_\_ комиссия раисининг ўринбосари  
\_\_\_\_\_ комиссия аъзоси  
\_\_\_\_\_ комиссия аъзоси  
\_\_\_\_\_ комиссия аъзоси  
\_\_\_\_\_ комиссия аъзоси  
\_\_\_\_\_ комиссия аъзоси

Т/р	Таълим муассасасининг рақами ёки номи	Психолог кадрнинг			Амалдаги малака тоифаси	Мутахассислиги бўйича малака синови балли	Психологик малакаси балли	Меҳнати самарадорлиги балли	Сухбат натижаси балли	Аттестация натижаларига кўра комиссия қарори	Аттестация натижаларига кўра берилган малака тоифаси
		фамилияси	исми	отасининг исми							

Комиссия раиси: \_\_\_\_\_  
Комиссия раисининг ўринбосари: \_\_\_\_\_  
Комиссия котиби: \_\_\_\_\_

Умумий ўрта ва ўрта махсус давлат  
таълим муассасасидаги психологик  
хизматнинг психолог кадрларини  
аттестациядан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
4-илова

\_\_\_\_\_ (республика, вилоят, туман (шаҳар) номи)

\_\_\_\_\_ (таълим муассасасининг рақами ёки номи)

**АТТЕСТАЦИЯ ВАРАҚАСИ**

\_\_\_\_\_ (психолог кадрнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Туғилган йили, куни ва ойи \_\_\_\_\_

Маълумоти \_\_\_\_\_ (таълим олган муассасасининг номи) \_\_\_\_\_ (тамомлаган йили)

Таснифлаш бўйича \_\_\_\_\_ (таълим йўналиши, мутахассислиги ёки ихтисоси номи)

Илмий даражаси ёки илмий унвони \_\_\_\_\_

Психологнинг стажи \_\_\_\_\_

Амалдаги малака тоифаси бўйича иш стажи \_\_\_\_\_ йил; шу жумладан, ушбу таълим муассасасида \_\_\_\_\_ йил

Малакасини оширган таълим муассасаси номи, вақти \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (малака оширган соҳаси: касбий, ахборот ёки педагогик технологиялар ва бошқа мавзуларда)

Мукофотлари \_\_\_\_\_

Комиссия қарори \_\_\_\_\_ (тўлиқ ёзилади)

Комиссия раиси \_\_\_\_\_ (Ф.И.О) \_\_\_\_\_ (имзо)

Комиссия раисининг ўринбосари \_\_\_\_\_ (Ф.И.О) \_\_\_\_\_ (имзо)

Комиссия котиби \_\_\_\_\_ (Ф.И.О) \_\_\_\_\_ (имзо)

Комиссия аъзолари \_\_\_\_\_ (Ф.И.О) \_\_\_\_\_ (имзо)  
\_\_\_\_\_ (Ф.И.О) \_\_\_\_\_ (имзо)  
\_\_\_\_\_ (Ф.И.О) \_\_\_\_\_ (имзо)  
\_\_\_\_\_ (Ф.И.О) \_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ йил “ ” \_\_\_\_\_  
(йил, кун ва ой кўрсатилади)

Умумий ўрта ва ўрта махсус давлат  
таълим муассасасидаги психологик  
хизматнинг психолог кадрларини  
аттестациядан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
5-илова

Психолог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисида  
СЕРТИФИКАТ

Серияси \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

Ушбу сертификат \_\_\_\_\_ га  
(фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ да ўтказилган \_\_\_\_\_ йигилишининг  
(комиссия номи ёзилади)

\_\_\_\_\_ -сон қарори асосида \_\_\_\_\_ бўйича  
(таълим йўналиши, мутахассислиги ёки ихтисослиги сўз билан ёзилади)

\_\_\_\_\_ берилди.  
(малака тоифаси ёки лавозими сўз билан ёзилади)

Комиссия раиси

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ (имзо)

М.Ў.

Қайд рақами \_\_\_\_\_  
(тарқатиш дафтарига қайд этилган рақам ёзилади)

20 \_\_\_\_\_ йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

